



adabiyot ISLAMONLINE.UZ

ШОДМАРГ Абдулла Қодирий

Мулла Карим Хожининг ёши етмиш ёшларда эди. Ёшлиқда бошига кўб жабр-жафолар тушмиш, дунёдаги хамма азобларни тортмиш эди.

Балки сиз «Мулла Карим Хожи жуда камбагал бўлган экан, шунинг учун факирлик азобини, очлик жафосини тортгандир», деб ўйларсиз. Йўк, Карим Хожи камбагал эмас эди. Жуда бой бўлмаса хам, беш-үн минг окчаси, ўн-ўн беш ботмон шоликор ва бир кўраси, яна булар устига хатми кутуб хам килган, замонадан хабардор, мусулмонларнинг фойда зарарига тушунувчи эди.

Энди мендан «Ўзига етарлик дунёси, хатми кутуб килган, замонадан хабардор бўлса, нима учун жабр-жафо чеккан?» — деб сўрарсиз, албатта. Мулла Карим Хожининг жафо чекувига халиги замонадан хабардорлиги, мусулмонларнинг фойда-зарарига тушунувчилиги эди. Мулла Карим Хожининг кискача таржимаи холи мана бу:

Бир вакт мулла Карим Хожи охунднинг шахрида кози сайлови бўлган эди (бу вакт кирк ёшларида эди). Савдогар козилар элликбошиларга ва хокимларга минглаб, юзлаб пора

тикиб, козиликни сотиб олгач, бизнинг Карим Хожи кози бўлувчилар ила этишган ва уларга «Хоинлар, золимлар, золим ёрдамчилари!» деб кичкирган эди.

Кози бўлувчилар нафсониятка кетиб, юкори хукуматка мулла Карим охунд устидан: «Сиз — хукумат, золим экансиз, биз — козилар, сизларнинг хоин ёрдамчингиз эканмиз, шахримиз муллаларидан мулла Карим охунд, сиз — хукуматимизни «Золим» ва бизларни «Золим ёрдамчилари» деб атади. Жазосини берувингиз маржудир. Мундок хукуматка карши кишиларнинг йўқ килувингизни ўтинализ», деб ариза бердилар. Хукумат бу аризани кўруви билан дарров жандарма юбориб, Мулла Карим охундни турмага олдирди. Тўгри сўзлик жазосини тортиб, сўровсиз, несиз, икки ой ётди, уч ой ётди, тўрт ой ётди. Бешинчи ойда сўрок бўлди. Карим охунд тўгри сўзлик ўлдигидан сўнг:

— Хукуматни золим дебсан, — деб сўраган саволига:

— Жуда тўгри дедим, чунки хукумат жамоатнинг сайлаган кишисини жамоат ишига киритмайдилар, ўз тиловинча иш юритадир.

Жамоат бирор фойда-зарарни ажратувчини сайловга карор берса, дарров хукумат ва хукумат бўрилари сапчийдилар. Мундай хукуматни такроро «Золим» ва хукумат тарафидан кўйилган маъмурларни «Золим ёрдамчилари» дейман, — деди. Суд ўлим жазосини буюрса хам, баъзи суддагилар девона ва телбаликка карор бериб, ўн беш йил катр жазоси илиа кифояландилар.

Ой ўтди, йил ўтди. Мулла Карим охунд дунёда кўрмаган азоблар ва жафоларни тортди. Ва хамиша Аллоҳ таолодан золимларнинг жазосини тилади. Ўн беш йилни азоб-укубат, хасрат ва болаларининг фирокида ўтказиб, жамоат ишина аралашмаслик вазифаси илиа ватанина кайтди. Болаларни ёнида кўбда турмади. Хаж ниятида сафар килди. Муқаддас зиёрат жойларида Аллоҳ таолодан золимларнинг жазосини тилади. Хаждан хам кайтди. Жамоатка аралашмаслик вазифаси ўлдугиндан, золим хукумат зулмидан хаммаслаклари илиа бирликда шикоятланув илиа кифояланди. Мундан сўнг хукумат жафосина илинмади. Илинганда хам Кора тўрага (пристав) ўрнидан туриб, таъзим кнлмагани учун уч ой турмада ётган эди.

Энди четдангина хукумат зулмига, мусулмонларнинг эзилганларига, шу золим хукумат иш бошида турар бўлса тез вактларда мусулмонларнинг инкиrozга юз тўтувларина чин-чиндан ачиниб, куйиниб золимлар хакига дуойи бадлар илиа кифояланди.

Бу золим адолатсизлик мулла Карим Хожини жабр-жафо, хасрат, афсус или картайтириди, ёши етмишга етди.

Хар кун ўгли бозордан кайтганда янги хабарлар сўровчи бўлганликдан бу кун хам янги хабарлар сўради. Ўгли суюнган тусда: — Суюнчи беринг ота! Халк ва аскар бир бўлиб, хукуматни ўриндан туширган, хамма иш халк кўлига ўткан, эски хукумат маъмурлари ўриндан туширилиб, кўлга олинган, министрлар хам хибс этилган, подшо хам камалган, хуррият эълон килинган, деди. Мулла Карим ота: — Хуррият?! — деди, оркасига йикилди. Ўгиллари юзига сув сепдилар. Лекин ул хушсиз эмас эди, балки шодмарг[1] бўлган эди.

Абдулла Кодирий

«Нажот»^[2] 1917 йил, 21 март, 2-сон, 3-бет

[1] Шодмарг — шодлик кайфиятидан ўлмок.

[2] «Нажот» газетаси 1917 йилнинг март ойидан муваккат хукуматнинг нашр афкори бўлиб чиккан, газета феврал инкилобини мактаб, эски хукуматни танкид килган, 20-сони чиккан, муҳаррири — Мунавваркори.